Бугунги сонда:



ЎРМОНГА ЎТ КЕТДИ 2-3

*Унинг аччиқ тутуни ҳамон кўзимизни ачиштирмоқда*



"САЛОМАТЛИК БЕКАТИ"га 4 *пиёда борилади*


*Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
**11 ноябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 76** (13337)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


*Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ва даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Эътибор

## ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!

**“Соғлиқ – энг катта бойлик”, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, соғлом инсонгина ҳаётда ўзини тўла бахтли ҳис қила олади.**



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Фармон билан 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар натижасида юртдошларимиз саломатлигига янада катта аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, давлатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги ҳозирги коронавирус пандемияси даврида янада яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда бу касалликка қарши кураш олиб бораётган тиббиёт ходимларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришнинг аниқ механизми яратилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Бунёдкорлик

## Шод кўнгиллар, обод манзиллар















***Айни пайтда Тошкент туманини пойтахт билан боғловчи катта автомобиль йўлининг икки четида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўзни қувонтиради.***

Куни кеча туман марказида бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 480 ўринли 12-мактабгача таълим ташкилоти, 145 ўринга мўлжалланган марказий шифохона, замонавий услубда қад ростлаган сендвич панелли “Универсал” спорт мажмуаси, маданият саройи ҳамда кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди.

4

Жараён

## Ҳам навқирон, ҲАМ НУРАФШОН ШАҲАР





**Бир ойча олдин танишим билан иш юзасидан Нурафшонга боришга тўғри келиб қолди. “Тошкент йўли” бўйлаб шаҳардан ўтиб кетаётганимизда ҳамроҳим йўлнинг икки четида қад ростлаган ҳамда қурилиши давом этаётган кўркам биноларни кўриб, ҳайратланди. “Бу жойлар анча обод бўлиб кетибдику, икки йил олдин ўтганимда ҳам бунчаликмасди”, дейди нуқул.**

2

Қарор ва ижро

**Кўпчилик яхши билади, илгарилари эрта кўкламда пойтахтимиз бозорларига етказиб бериладиган сабзавот ва резаворларнинг асосий қисми шаҳар атрофидаги туманларда яшовчи аҳоли томорқаларида етиштирилар эди. Аслида, энг тадбиркор ва ишбилармон деҳқонлар шулар эдида. Агар, йилига томорқасидан уч марта ҳосил олишмаса ҳисоб эмасди.**

## ТЎҚСОНБОСТИ: БОЗОРНИ МЎЛ, ҲАМЁННИ ПУЛ ҚИЛАДИ



Тасаввур қилишингиз учун бир мисол келтирамиз. Октябрь ойининг охирларида полиэтилень плёнка остига сепилган редиска ва кўкатлар февралнинг охири, мартнинг бошида аҳоли дастурхонини безарди. Редиска билан қўшиб ерга ташланган сабзи эса май ойининг бошларида пишиб етиларди. Шундан кейин бўшаган ернинг ишловини келтирган деҳқонлар кечки картошка ва сабзавотларни экишга киришишарди. Дарвоқе, сентябрь ойида ерга қадалган саримсоқпиёзнинг бир қисми апрелда кўклайин сотилса, қолган пишиб етилган ҳосил май ойи охири, июнь бошларида кавлаб олинар ва кечки экин жойлаштириларди. Ана энди бир майдондан олинган ҳосилнинг ҳисобини чиқариб олаверинг.

3

Қулайлик

## Янгийўлда ЯНГИ МАРКАЗ

**Янгийўл тумани Давлат хизматлари марказининг аввалги биноси кичкина, хоналари тор эди. Туманда 210 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилишини ҳисобга олсак, бу ерда ҳар куни турнақатор навбатлар вужудга келарди. Табиийки, бундай вазият аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди.**





Эндиликда вазият бутунлай ўзгарди. Сабаби, марказ фаолиятини янги бинода бошлади. Туман марказининг кўркига кўрк қўшиб турган мазкур иншоот энг замонавий ахборот технологияли воситалар билан жиҳозланган бўлиб, фуқароларга кенг, ёруғ ва шинам хоналарда хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Икки қаватли марказ биносида фуқаролар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, инфокиоск, кутиш зали, кичик кутубхона, болалар майдончаси, буфет, адлия, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш туман бўлими, тадбиркорлар учун бош вазир қабулхонаси, инвесторлар ва нотариал хизмат хоналари мавжуд. Шунингдек, марказда банк шохобчаси ҳам ташкил этилгани фуқароларга зарур тўловларни шу ернинг ўзида амалга ошириш имконини беради.

– Янги марказимиз бир вақтнинг ўзида 28 нафар, бир кунда 400 нафар фуқарога хизмат кўрсата олади, – дейди марказ директори Рустам Ҳикматуллаев. – Тартиб сақлаш мақсадида 8 та мониторда электрон навбат тизими акс этиб туради.

Кези келганда айтиш керакки, марказ томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида фуқароларга 23 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган. Шундан 22 минг 893 таси бевосита марказ орқали амалга оширилган бўлса, 300 нафардан ортиқ фуқаро давлат хизматларидан мустақил равишда ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланган. Ҳисобот даврида 695 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, шундан 373 таси юридик, 322 таси жисмоний шахсдир.

Қолаверса, чекка ҳудудларда яшаётган аҳолига 150 дан ортиқ сайёр хизмат кўрсатилди.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*


**Азиз дўстлар!**

**Вилоятимизнинг бош газетаси**

**"ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"га**

**ОБУНА 2021**

*бўлишнинг айни мавриди!*



**Нашр индекси: 205**

# Ҳам навқирон, ҲАМ НУРАФШОН ШАҲАР




(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Журналист ва ҳаёт" лойиҳаси доирасида Нурафшон шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, аҳолига яратилаётган қулайликлар, ақлли шаҳар – "Нурафшон сити" қурилиш лойиҳаси билан танишиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган медиа-турда қатнашарканман, беихтиёр ўша суҳбат ёдимга тушди.

Журналистларга шаҳар ҳокими Қаҳрамон Ҳакимов амалга оширилаётган бунёдкорликлар хусусида қисқача сўзлаб берди. Шундан сўнг, минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши, деганларидек қурилиш майдонларига борилди.

Таъкидланишича, вилоят маъмурий марказига элтувчи асосий йўл ҳисобланган "Тошкент йўли" кўчадаги 213 та объект бузилиб, жой эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24 миллиард сўм товон пули тўлаб берилди. Бу ерда 172 та бино ва иншоот қад кўтариши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 78 та объектда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Адлия, Фавқулодда вазиятлар бошқармалари, "Ёшлар маркази", "Қишлоққурилишбанк" ва "Ипотекабанк" каби қатор ташкилотларнинг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, автомобиль қатновига қулайлик яратиш мақсадида асосий йўл кенгайтирилмоқда. Бу орқали пиёдалар ва велосипед ҳайдовчиларининг хавфсизлиги таъминланади. Ўз навбатида, "снос"га тушган, маънан эскирган хонадонлар бузилиши муносабати билан аҳолига шаҳарнинг бошқа ҳудудларидан жой ажратиб берилган.

Медиа-турнинг дастлабки манзили "Саноат қурилиш банк" буюртмаси асосида бунёд этилган кўп қаватли тураржой биноси бўлди. Замонавий дизайн ҳамда яшаш учун барча қулайликларга эга хонадонлар журналистларда катта таассурот қолдирди. Мазкур объект қурилиши якунланиш арафасида, тез орада хонадон эгаларига калитлар топширилади. Мана шундай янгидан барпо этилган ва қурилаётган кўп қаватли уйлар сони оз эмас. Ҳокимнинг айтишича, хонадонларнинг харидорлари кўп, мавжуд уйларнинг ҳаммаси сотиб бўлинган.

Кейинги манзил сифатида шаҳардаги Бобур номи билан аталувчи кўча танланди. Мазкур кўчада қисқа фурсатларда катта ўзгаришлар бўлганини таъкидлаш лозим. Жумладан, асфальт ётқизилиб, ёритгичлар қўйилди. Бундан ташқари, атроф кўкаламзорлаштирилиб, пиёдалар йўлакчаси қурилди ҳамда йўл четидаги турар ва нотураржойларнинг қиёфаси янгиланди.

Шу куни медиа-тур иштирокчилари шаҳарнинг юраги – "Нурафшон сити" қурилиш майдонига ҳам боришди. Ҳозирда "Ақлли шаҳар" (smart city)ни қуриш борасидаги саъй-ҳаракатлар авжида. 217 гектардан иборат бўлган, собиқ Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида вужудга келган Нурафшон шаҳрининг жами майдони бугунги кунда қарийб 16 баравarga кенгайган.

Бу ерда вилоят прокуратураси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг маъмурий биноси қад ростлаяпти. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Марказий банк бош бошқармаси ва вилоят судларининг маъмурий биносини лойиҳалаштириш ишлари жадал олиб борилаяпти.

– "SMART CITY" бош режасига мувофиқ лойиҳа концепцияси бўйича учта давлат ўз таклифларини берган, – дейди Қаҳрамон Ҳакимов. – Булар Корея, Хитой ва Туркия мамлакатларидир. Корея компанияси тақдим этган таклифда бино-иншоотлар ўртача 7 қават бўлиб, 20 минг аҳолига мўлжалланган. Бундан ташқари, барча давлат ва жамоат ташкилотлари бинолари энг замонавий кўринишда бунёд этилади. Бироқ, Туркия ва Хитой давлатлари инвесторлари томонидан қўшимча таклифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, янги биноларнинг архитектура кўриниши ўзгача шаклда бўлиши мумкин. Бунда барча техник, географик ва коммунал талаблар ҳисобга олинмоқда. Бўлажак шаҳарнинг умумий майдони тахминан 2 минг 833 гектарни ташкил этиб, у уч босқичда амалга оширилади.

Кези келганда айтиш керакки, аҳолини ишли қилиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришига эришиш борасида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Одамларнинг бандлигини таъминлашда турли йўналишдаги корхоналарни ишга тушириш ҳам муҳим саналади. Хусусан, ҳозирда шаҳарда 40 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Улардан бири – "Textile Mill Toshkent" масъулияти чекланган жамиятидир.

Журналистлар тадбир мобайнида мазкур корхонанинг иш жараёни билан ҳам танишиб, ишчилар билан суҳбатлашдилар.

Корхонада кунига 50-60 минг жуфт турли ўлчам ва дизайндаги пайпоқлар ишлаб чиқарилади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 90 фоизидан ортиғи Европа давлатларига экспорт қилинади. Ҳатто, карантин даврида ҳам ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолгани йўқ.

– Корхонамизда 360 нафар ишчи меҳнат қилаяпти, – дейди "Textile Mill Toshkent" МЧЖ директори ўринбосари Исмоил Норматов. – Уларнинг асосий қисми шу ерлик хотин-қизлар. Ишчиларимиз учун барча шароит яратилган. Жумладан, бир маҳал овқат, ишга келиб-кетиш учун автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Ойлик маошлар ҳам ўз вақтида берилади. Маҳсулотларимиз тури хилма-хил бўлиб, талаб асосида янгилаб борилади.

Дарҳақиқат, бугун Нурафшон шаҳри чинакам қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Бу жараён билан танишарканмиз, кўз олдимизда мунаввар ва кўркам шаҳар пайдо бўлаётганига амин бўлдик.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ*
*олган суратлар*



# ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида анъанавий тарзда нишонланиб келинаётган Тиббиёт ходимлари куни бу йил ҳам катта кўтаринкилик билан байрам қилинди. Сана муносабати билан Президентимиз Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табрик йўллади. "Халқимиз сизларни дунёдаги энг улуғ касб эгалари, муқаддас қасамёдига содиқ, ўз ишига фидойи инсонлар деб билади ва машаққатли меҳнатингизни юксак қадрлайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб пандемия шароитида чинакам саломатлик посбонлари бўлиб майдонга чиқаётганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасанноларга муносибдир", дейилади табрикда.

Ушбу айём муносабати билан жойларда турли тадбирлар ўтказилиб, соҳа фидойиларига эҳтиром кўрсатилмоқда.

Жумладан, Нурафшон шаҳрида ҳам вилоят ҳокими ва сектор раҳбарлари бир гуруҳ шифокорлар билан учрашди.

– Маълумки, вилоятимизда COVID-19 билан касалланганларни даволовчи энг йирик шифохона ва карантин зоналари ташкил этилган, – деди Рустам Холматов. – Бу эса сизларнинг зиммангизга янада катта масъулият юклайди. Бироқ, шундай вазиятда ҳам сизлар ўз касбингизни шараф билан бажараётганингиз мақтовга лойиқдир.

Таъкидланишича, Президентимиз ташаббуси билан вилоятимизда иккита янги тиббиёт олийгоҳи (биттаси маҳаллий, иккинчиси хорижий) ташкил этилиши режалаштирилган. Бу кадрлар билан боғлиқ муаммони бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, кадрлар етишмайдиган чекка ҳудудлардаги ёшларга мазкур олийгоҳларга киришда алоҳида квота ажратилади.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ шифокорлар фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

*Аброр ЭСОНОВ*
*олган суратлар*

**Дарвоқе**



# НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

**Нурафшон шаҳрида деҳқон бозорларида аҳолига етказиб берилаётган, сотувга чиқарилаётган асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача нархлари бўйича кундалик мониторинг натижаларига бағишланган брифинг ўтказилди.**

Унда "Тошвилбозорсавдо" акциядорлик жамияти раиси Абдуманноп Абдулхаев бу борада жойларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берди.

Қайд этилганидек, вилоят бўйича кундалик фаолият олиб борувчи 16 та марказий деҳқон бозорлари, чорва моллари ва паррандалар савдосига ихтисослашган бозорлар мавжуд. Уларда аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, нархлар барқарорлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, кунгабоқар ёғига бўлган нархларнинг ўсиш даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,6 фоизга, тухум 36 фоизга, шакар 17,2 фоизга ва 1 килограмм мол гўштининг ўртача нархи деҳқон бозорларида 19 фоизга ўсган.

Маҳсулот етиштирувчи ва импортни амалга оширувчи тармоқлар мутахассисларининг таъкидлашича, кунгабоқар ёғи ва шакар нархини шакллантиришга ташқи бозорларнинг таъсири бўлмоқда. Шунингдек, тирик вазндаги гўшт хажмининг 91,7 фоизи аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларига тўғри келади. Йирик шохли қорамоллар бош сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бор-йўғи 1 фоизга кўпайгани мазкур ҳолатларда асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу туфайли жойларда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида "Элга хизмат" тайёрлов савдо харид корхоналари томонидан деҳқон бозорларида жами 97 та махсус савдо ўринлари ажратилган. Ташкил этилган расталарда 1 кг. мол гўшти 50 мингдан 55 минг сўмгача, тухумнинг 10 донаси 9-10 минг сўм, 1 кг. шакар 5 минг 800 – 6 минг сўм, 1 литр кунгабоқар ёғи ўртача 13 минг сўмдан сотилмоқда.

Шунингдек, йирик маҳаллалар ва аҳоли гавжум жойларда "Даладан дастурхонга" тизими асосида 281 та кўчма савдо нуқталари ташкил этилиб, маҳсулотлар мақбул нархларда сотилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда вилоят бўйича 7 та дала дўкони ишлаяпти, йил якунига қадар уларнинг сонини 50 тагача етказиш режалаштирилган.

**ЎзА**

# Бизнес – кичик, ФОЙДА КАТТА

**Интилиш**



**Зангиота туманининг "Ўрта" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Камолиддин Жамолиддин мебель сервис" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар сифати ва чиройли дизайни билан харидорларга мақул бўлмоқда.**

– Жамолиддин акам билан иш бошлаганимизга тўққиз йилдан ошди, – дейди хусусий корхона раҳбари Камолиддин Ғуломов. – Аҳолининг талаб ва истакларини инобатга олиб, турли мебель жамланмаларини ясаймиз. Асосан, ламинат ва МДФ хом ашёсидан фойдаланамиз.

Жорий йилнинг ўтган даврида хусусий корхона томонидан 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

*Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ*
*олган сурат*





# ЎРМОНГА

## Унинг аччиқ тутуни ҳамон

**Босма нашрларнинг инқирози хусусида ҳали ҳам баҳслар бўлиб турибди. Бир қарашда ўринли баҳс: кўплаб нашрлар бугунги тезоб шароитга, иш услубларини муттасил янгилаб боришга дош бера олмаяпти. Ҳафтада бир марта чиқадиган газеталар янгиликлари соат сайин ўзгариб турадиган электрон нашрлар билан беллаша олмайди. Бунинг баҳс қиладиган жойи йўқ. Аммо, баҳс қилишнинг ҳам ўзига яраша маданияти бор. "Фалончи мана бундай фикрни айтган эди, писмадончилар унга қарши черик тортди" ёки бугунги журналистларнинг аксарияти собиқ тузум пайтида жаноб Горбачев берган демократияни қўлдан бой берган маддоҳларнинг авлодлари, деган гап, одоб билан айтганда, юракка ўқдай ботади.**

Миллий журналистикамиз оқсаётгани рост, аммо у ориятини йўқотгани йўқ. Оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, кеча ёки қай бир пайт матбуотдан, қайси бир журъатли журналист ҳамкасбимиздан зарба еганлар бугун "назариётчи мутахассис"ларга айланиб, газеталарнинг бетига лой чапламоқда, бунинг оқибатида матбуотнинг ютуқ-камчиликларини рўйи-рост айтаётган холис таҳлилчиларнинг керакли фикрлари ногаҳоний устозларнинг ғала-ғовурига қўшилиб, ола-қуроқ бўлиб кетмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Мен журналистларни ҳурмат қиламан, уларнинг меҳнатини қадрлайман", дея бизга эҳтиром кўрсатаётган, мамлакат парламентида, Сенатда ҳамкасбларимиз сафи кўпаяётган бир пайтда, янги журналистика университети ташкил этилганида, юртимизда китобхонлик маданиятини оширишга қанчадан-қанча моддий ва интеллектуал бойлик сарфланаётган бир пайтда газеталарнинг куни битди, деган мазмунда башорат қилиш нечоғли ўринли? Денгизга ғарқ бўлган киши кимсасиз оролга етиб олганида ҳам, "Э, қаранг-а, уйсиз-жойсиз, кийим-кечаксиз, маош-машинасиз ҳам яшаса бўлар экан-ку", демайди, уйга қайтиш йўлини қидиради. Матбуот ғарқ бўлганича йўқ, муҳтарам биродарлар, унинг бугунги ўктам овозини эшитса бўлади, бунинг учун лор врачнинг кўригидан ўтиб туриш керак, холос.

Газетада биринчи хабарим чоп этилганига салкам олтмиш йил бўлди. Ҳали-ҳануз битта мақола ёзиш учун неча кунлаб эринмай материал тўплайман, факт, рақам йиғаман, газета-журналларнинг эски сонларини варақлайман, фикримни жамлайман, қоғозга тушган мисраларимни қайта-қайта таҳрир қиламан. Наҳотки шуларнинг ҳаммаси эртага саробга айланса?

Бошқа бир мамлакатда катта бир газетанинг қоғоз нашри тўхтаган экан, биз ҳам дарҳол шу йўлга ўтадиган бўлсак, ўз йўлимиз қаерда қолади? Ғарб дунёси амал қиладиган бир мақол бор, уларнинг кўпи Ўзбекистонда бўлмаган, ўзбек тилини билмайди, аммо қурмағурлар "Така бўлсин – сут берсин" деган писандали мақолимизга маҳкам ёпишиб олишган. Эртага вазият ўзгарса, даромад ҳаққи шу тўхтаган газетани ёки бошқа бир нашрни бир кунда бир эмас, икки-уч марта чоп этишлари мумкин. Ота-бола Мердоклар тасарруфларидаги йирик газетадан қандай мақсадларда фойдалангани ва охир-оқибат, шармандаю шармисор бўлганлари ёдимиздан кўтарилдими? "Фалон мамлакатда одамлар фалон кийимни киймай ҳам кўчага чиқишар экан", деса, биз ҳам шундай қилишимиз керакми?

Одатда, бир гапни такрор-такрор уқтираверииш дуруст эмас, аммо оддийгина ҳақиқатни тушуниш қийин бўлаётган экан, начора, такрорлашга тўғри келади. Ҳарбийларда "Билмасанг ўргатамиз, хоҳламасанг – мажбур қиламиз", деган гап бор. Оддий ҳақиқат қуйидагича: босма нашрларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги гапларда хавотир бор, ўйлашга арзирли таҳлил мавжуд, аммо неча асрлардан буён жамият билан ёнма-ён яшаб келаётган босма нашрларнинг ўнгланмас таназзули ҳақида хулоса қилишга асос йўқ. Жамият қандай бўлса, унинг матбуоти ҳам шундай бўлади: жамият очиқ бўлса, матбуот ҳам очиқ, жамият ривожланишнинг янги босқичига кўтарилаётган, такомиллашаётган, бошқарув тизимида ўзгаришлар юз бераётган экан, матбуот ҳам шу босқичлардан ўтади.

Яна бир фикр. Бу ёруғ оламда тириклик мавжуд, инсон яшашда давом этар экан, демакки, фикрга, тафаккурга эҳтиёж бўлади. Тафаккур ривожини таъминлаш учун эса одамлар газета, журнал, китоб ўқиши керак. Хизмат сафарларим чоғи дунёнинг кўп мамлакатлари олий ўқув юртларида, талабалар шаҳарчаларида бўлганман, устозлар, талабалар зарур мақолаларни интернет орқали қидиришади, топганларидан кейин эса уни қоғозга кўчириб, қоғозда ўқишади. Асосан қоғоз манбалардан фойдаланишади. Илм йўли шу. Бунинг фарқини тушуниш қийин эмас. Олимларнинг фикрича, қоғоздаги сатрлар, демакки, ахборот, факт ва рақамлар, ҳис-ҳаяжон, туйғу, ажабланиш, қониқиш, жунбишга келиш, ҳавас қилиш инсон миясига Кумушбибининг "Сиз ўшами?" деган сўзларидек яхши жойлашади, хотирага муҳрланади ва нақш боғлайди. Бундан атиги бир муддат аввал кимдир "Коронавирус бу донишманд дунёни тўрт кунда алғовдалғов қилиб юборади, бою камбағал, қарздору ҳақдорнинг жони ҳалқумига келади", деса ишонармидик? Бу ярамас вируснинг иштаҳаси очилиб, пайт пойлаб туриб, интернетга дунё миқёсида ҳужум бошласа, хотирасини чилпарчин қилиб ташласа, нима бўлишини тасаввур қиламизми?

Демак, қоғоз нашрлардан воз кечишимиз қийин, уларсиз комилликка эриша олмаймиз ҳам. Интернет имкониятлари чексиз, хабар тарқатиш тезлиги борасида ҳеч бир бошқа восита унга рақобатчи бўла олмайди. Боз устига, бу тизим ҳали янада ривожланади. Аммо, шуни ҳам унутмайликки, бундай доно ва тезкор машинани газета, журнал, китоб ўқиб билимдон бўлган Инсон боласи яратган ва дунёни бундан кейин ҳам, агар иксзурриётлар ҳаммаёқни эгаллаб олмасалар, замин технократлар қўлида қолиб кетмаса, ворисийлик занжири узилмаса, ақл-идрокка чанг тушмаса, албатта, ҳазрати Инсон, унинг китоблардан олган билими бошқаради.

Яхшилаб тушуниб олайлик: интернет инсоннинг хабардорлик даражасига хизмат қилади, унга минг раҳмат ва қуллуқ, босма нашрлар эса тафаккуримизни чархлайди, қалбимизни бойитади, имон-эътиқодимизни мустаҳкамлайди.

**Экобайрам**

# ЛАНДШАФТ ФЕСТИВАЛИ

**“Zaxriddin flower plantation” масъулияти чекланган жамиятининг довруғи нафақат вилоятимиз, балки қатор хориж давлатларининг табиат ва гўзаллик шайдоларигача етиб борган.**



**Жамият раҳбари Захриддин Сайфиддинов тўрт фарзанди билан дастлаб 9 гектар ерда атиргуллар ва мевали дарахт кўчатларини етиштиришдан иш бошлаган эди. Ҳозирги кунда жамиятнинг умумий майдони 80 гектарни ташкил этмоқда.**

**Улар 200 хилдан ортиқ атиргул, мевали ва манзарали дарахтлар, кўп йиллик бута ва гулларни етиштириб, аҳолига етказиб беришмоқда.**



**Яқинда мазкур боғда “Кузги ландшафт фестивали – 2020” Экобайрами бўлиб ўтди. Байрамда флористика бўйича мастер-класс ўтказилиб, вермикомпост ва биогумус тайёрлаш технологияси намойиш этилди. Шунингдек, хайрия аукциони, ўсимликларни қишга тайёрлаш, лотерея ва викторина ўйинлари ташкил этилди. Байрамда санъат усталари Рустам Саъдуллаев ва Муқаддас Холиқова ўз чиқишлари билан йиғилганларга хушкайфият улашишди.**

***Даврон АҲМАД***

# Тўқсонбости: БОЗОРНИ МЎЛ, ҲАМЁННИ ПУЛ ҚИЛАДИ



Шуни мамнуният билан айтиш керакки, сўнгги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида деҳқончиликнинг тўқсонбости усулини қўллашга, оммалаштиришга эътибор кучайди.

Президентимизнинг 2020 йил 15 октябрдаги “Саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эса мамлакатимизда мавжуд экин майдонлари ва аҳоли томорқаларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини иш билан таъминлаш, энг муҳими, оилаларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларни янги босқичга олиб чиқувчи жуда муҳим ҳужжат бўлди.

Буни нималарда кўриш мумкин? Биринчидан, деҳқончиликнинг ота-боваларимиздан қолган ушбу усули ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Эндиликда мамлакатимизда пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш билан мазкур қарор асосида ташкил этилган алоҳида Уюшма шуғулланади. Вилоятларда эса Уюшманинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилади.

Қарорда Уюшма фаолиятини молиялаштириш манбалари билан биргаликда унинг асосий йўналиш ва вазифалари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Уларнинг кўлами жуда кенг ва салмоқли. Хусусан, Уюшмага маҳсулот етиштирувчиларга агрономик тавсиялар бериш, маҳсулотларини экспорт қилишда кўмаклашиш, уларнинг малакасини ошириш, ҳудудларда тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда пиёз, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш лойиҳасида амалга ошириладиган ишлар учун “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ажратиладиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳам йўналтириладиган бўлди. Демак, аҳоли томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш орқали камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшилади.

Дарвоқе, эндиликда мазкур усул илмий ва замонавий асосда ривожланади. Сабаби, Инновацион ривожланиш ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига бир ой муддатда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, қарорда соҳага тегишли барча вазирлик ва идораларга ҳам Уюшма билан биргаликда август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларига мос, шўрга ва сувсизликка чидамли навларини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган.

Айтиш керакки, вилоятимизда ҳам йил сайин пиёз, саримсоқпиёз ҳамда сабзавот экинларининг экспортбоп ва юқори ҳосилли навларини тўқсонбости усулида экиш масаласига устувор аҳамият бериб келинмоқда. Буни қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин. Вилоятда аҳолини эрта баҳорда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2021 йил ҳосили учун жорий йил август-сентябрь ойларида пиёз ва саримсоқпиёз, ноябрь-декабрида сабзавот экинларининг экспортбоп ва юқори ҳосилли навларини тўқсонбости усулида экиш ҳамда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш юзасидан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, вилоятдаги фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 13 минг гектар майдонга, жумладан, 2 минг 429 гектарга пиёз ва саримсоқпиёз, 10 минг 570 гектарга тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг экспортбоп ва юқори ҳосилли навларини экиш режалаштирилган. Август-сентябрь ойларида экилган 2 минг 436 гектар майдондаги пиёз ва саримсоқпиёз экинларидан 53 минг 818 тонна ҳосил олиниши кутилмоқда. Айни кунларда режага киритилган майдонларга бошқа турдаги сабзавот экинларини экиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Буни Тошкент тумани мисолида яққол кўриш мумкин.

Туманда 2021 йил ҳосили учун фермер хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 2 минг 350 гектар майдонга эртаки сабзавот экинлари экилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 1 минг 257 гектарини пиёз ва саримсоқпиёз, 977 гектарини жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тўқсонбости усулида экиладиган сабзавот экинлари ташкил этади.

Мутахассисларнинг фикрича пиёз, саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости экинларининг куз мавсумида экилиши, баҳорда экилганидан камида 15-20 кун олдин пишиб етилишини таъминлайди. Айниқса, қиш-баҳор мавсумининг совуқ-серёмғир келиши, ерларни экишга тайёрлаш муддатларини чўзиб юборади. Ана шундай дамларда кузда экилган экинларнинг эрта пишиб етилиши таъминотдаги узлуксизликни яратишда жуда қўл келади,

– Фермерларимиз ва томорқа эгалари бу масалага алоҳида эътибор беришади, – дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи К. Тиллаев. – Масалан, режалаштирилган 40 гектар майдондаги пиёз ва 240 гектар майдондаги саримсоқпиёз сентябрь-октябрь ойларида тўлиқ экиб бўлинган.

Шунингдек, 617 гектарга сабзи, 158 гектарга ош лавлаги, 182 гектарга карам экинларини 10 ноябрдан 15 декабргача тўлиқ экиб бўлиниши таъминланади. Бунинг учун зарур бўладиган уруғлик, техника воситалари, 629 тонна ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳамда 691 тонна азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар захираси тайёрлаб қўйилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, туманда пиёз, саримсоқпиёз ҳамда тўқсонбости экинларидан 25 минг 600 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилиши мўлжалланган. Ҳосилнинг 2 минг 560 тоннаси экспортга, 5 минг 120 тоннаси қайта ишлашга, 777 тоннаси захирага, 17 минг 144 тоннаси ички истеъмолга йўналтирилади. Даромад ҳам шунга яраша мўмай бўлиши аниқ, албатта.

Туманнинг бу борада катта тажриба тўплаган ва доимо юқори ҳосил олиб келаётган “Дилбархон файзли нур”, “Камол Тўхтабой барака”, “Қодирхўжаев”, “Сардор яшил далалари”, “Дилшодбек Иброҳим”, “Нокзор файзли боғлари” “Абдуфаттоҳ азиз агро нур”, “Давр миришкор” фермер хўжаликлари ва томорқа соҳиблари аллақачон тўқсонбости экинларини экиш ишларини бошлаб юборишган.

Шуниси эътиборлики, деҳқончиликнинг бу усули вилоятимизнинг нафақат сабзавот ва боғдорчиликка ихтисослашган, балки пахта ва ғалла етказиб берувчи туманларида ҳам кенг оммалашиб бормоқда. Президентимизнинг юқоридаги қарори эса уларга бу борада янги имкониятлар яратиб беради. Демак, эрта кўкламдан бозорларимиз тўкин, деҳқонларимизнинг даромади бутун бўлади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**/Тошкент ҳақиқати/**

**(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани А. Ортиқов массиви ҳудудида жойлашган ер майдонида 10 та профиль темирдан (80х12,5 м. ўлчамда) маҳаллий типидаги иссиқхона қурилиши учун танлов эълон қилади.**

Танлов иштирокчиларидан тижорат таклифлари газета чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун давомида қабул қилинади.

Туннель усулида иссиқхона қурилишининг танлов шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Иссиқхона ўлчами: 80 х 12,5 м;
2. Баландлиги: 5,0 м;
3. Ўраш материали – 100 микронли полиэтилен плёнка;
4. Иссиқхона системаси: пўлат карказ (структура), ўраш, суғориш системаси, салқин қилувчи тўр ва ҳ.к;
5. Пўлат структура материали миллий стандарт асосида юқори сифатли темир профилдан;
6. Суғориш системаси қалинлиги – 0,16 мм. ўлчамдаги пластмасса труба, 32 мм. ўлчамдаги пластмасса труба;
7. Салқин қилувчи тўр 0,75 фоизли ўтказма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, молиявий ресурсларга, техник ускуналарга, хом ашёларга ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;
– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;
– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликларининг мавжуд бўлмаслиги;
– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

**Маълумотлар учун телефон:**
**+998 90 100-76-76.**

# ЎТ КЕТДИ

## *кўзимизни ачиштирмоқда*

Румий ҳазратлари шундай деганлар: “Дўкондаги нарсалар омбордагиларнинг бир қисмидир. Омборда бор нарсаларнинг ҳаммасини дўконга сиғдириб бўлмайди. Инсон ана шундай дўконга ўхшайди. Унга Тангрининг сифатлар хазинасидан бирор-бир парча (эшитиш, кўриш, ҳис этиш, сўзлашиш, ақл-фаросат, билим, мардлик, жасорат кабилар) берилган. Демак, инсонлар Тангрининг сотувчиларидир ва улар бу иш билан машғулдирлар. Кундузи савдо қилиб, идишларни бўшатадилар, кечаси эса бўш идишларни яна тўлдирадилар, тўлганларини кувватлантирадилар”.

Улуғ устоз “кечаси идишларни тўлдириш” деганда китоб ўқишни кўзда тутганига шубҳа йўқ. “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Тафаккур” журналлари китоб ҳолида чоп этилади. Бу нашрларда эълон қилинган мақолаларни йигирма, ўттиз йилдан кейин ҳам ўқиш мумкин. Наҳотки буни фарқламасак?

Бугун пандемиядан сўнг дунёнинг қандай бўлиши ҳақида кўп фикрлар билдирилмоқда. “Дунё бутунлай ўзгаради, ҳаммаси бошқача бўлади, ҳеч нарса шу ҳолича қолмайди”, деяётганлар оз эмас. Эътироз билдириш қийин, чунки бу ялпи офатдан омон чиққан дунё, чиндан ҳам ўзгаради. Турмуш тарзимизда, дунёқарашимизда, жаҳоний муносабатларда, халқаро ижтимоий, иқтисодий-сиёсий алоқаларда янгича йўналишлар, мақсад-муддаолар, умумманфаатли режалар пайдо бўлиши аниқ. Фикримча, янги бир тозаришни бошдан ўтказишимизга, ортиқча, самарасиз нарсалару воситалардан, тўсиқ-тўғонлардан, эскиган қолип-андозалардан воз кечишимизга, қисқа қилиб айтганда, бундан буёғига оёқни кўрпага қараб узатишимизга, ҳар ромадга яраша буромад қилишимизга тўғри келади.

Давлат бошқарувида, раҳбарлик тизимларида ўзига хос ихчамлашув бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сифат ва самарадорликка қайтамиз. Тежамкор бўламиз. Айний домланинг “Судхўр” романини, Хуршид Дўстмуҳаммад айтганидек, қайта идрок этамиз. Буни ҳар бир давлат, жамият ўзининг ички имкониятига қараб амалга оширади. Алоҳидаланиш, бўлакланиш, тор қобиқли узлатга чекиниш каби қарашлар ўрнини ягона умуминсоний мақсад-муддао, масалан, табиатни асраш, ичимлик сувини тежаш, минтақавий кооперацияни ривожлантириш йўлида бирлашиш ҳаракатлари эгаллайди. Дунёни айни мана шу ўзгаришлар қутқаради. Аммо, шунча ўзгаришлар ҳам “Пандемиядан кейин дунё бутунлай бошқача қиёфага киради”, дейишга асос бўла олмайди. Дунё дунё бўлганидан бери яшаб келаётган маънавий-ахлоқий тамойиллар, шубҳасиз, сақланади. Инсоният юзидаги ниқобини ечганидан кейин ҳам яшашда давом этади, фарзанд тарбиялайди, боғ яратади, болаларига газета-китоб ўқиб беради.

Инсоният ўз тарихида бало-қазоларни кўп бор кўрган, талафотлари коронавирус қурбонларидан ошган. Уй-жойи, қурган шаҳарлари неча бор ёниб кул бўлган, дарёлари неча бор қуриб, қайта жонланган. Аммо, ҳеч қачон тушкунликка тушмаган, яшашда, яратишда давом этган. Биз бугун пандемияга қарши курашда асло бўш келмаётганимизнинг боиси ҳам шу – халқимизнинг руҳи баланд, эртанги ойдин кунларга ишончи мустаҳкам, давлат раҳбари, миллат етакчиси бу курашнинг бошида турибди. Шундай экан, у бўлади, бу бўлади қабилидаги тахминларни тўхтатганимиз маъқул.

Ўзбекистонда журналист касбини эгаллаган, шу касбга садоқат билан хизмат қилаётган неча минг ижодкор бор. Учта университетда Президентимизнинг олий таълим олдига қўйган янги талаблари асосида эртага ўрнимизга келадиган ўриндошларимизни тарбияламоқдамиз. Дунёнинг кўзга кўринган университетлари билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Замонавий дарсликлар яратилмоқда. Шундай бир шароитда эртага аудиторияга кириб, талабаларга нима деймиз, “Кечирасизлар, бошқа факультетларга ўтинглар, газета-журналларнинг куни яқинда битади”, деймизми?

Бир гапни очиқ айтиш керак: матбуотимиз жиддий ўзгариши зарур. Ўзгараётган, бугунги талабларга мослашаётган нашрлар йўқ эмас, бор, аммо тўрт-бешта илғор, тўрт-бешта шартаки билан иш битмайди. Ортиқчалари, қуруқ савлатлилари, оғир карвонлари, шунчаки ҳавасга ташкил этилганлари, журналистиканинг обрўсини тўкаётганлари бор ва оз эмас. Бу муаммони ким ҳал қилади? Таъсисчи ва жамоанинг ўзидан бошқа ҳеч ким. Рақобатга дош бера олмаяпсизми, бугуннинг шиддатини ҳис этишингиз қийин кечаяптими, ўқувчингиз камми, сўзингиз таъсирчан чиқмаяптими, ишингиздан қониқмаяпсизми, марҳамат, бир қарорга келинг.

Шу ерга келганда, матбуотимиз муаммоларига бошқа бир тарафдан ҳам қарашимиз зарур. Жорий йилимизнинг энг катта муаммоси, аниқроғи, талафоти обуна билан боғлиқ бўлди. Мажбурий обунага қарши кураш кампанияси уқувсизлик билан олиб борилгани натижасида ўртада тушунмовчилик келиб чиқди. Қаерга борманг, битта гап: “Акажон, устоздай одамсиз, ҳурматингиз бор, аммо ёрдам бера олмаймиз, обуна билан шуғулланганларни ишдан бўшатишмоқда. Мана, масалан...”

Бу хатони тан олмаслик учун нима ҳаракат қилмайлик, сўровларга қандай “отписка”лар жўнатмайлик, интервьюларимизда ўзимизни нечоғли оқламайлик, фойдасиз – ўрмонга ўт тушиб, ҳўлу қуруқ баробар ёнди ва унинг аччиқ тутуни ҳамон кўзимизни ачиштирмоқда. Шундай танг ҳолатда, очиғи, бирор мулоҳазали вазирдан “Азизлар, обунага ҳеч ким қарши бўлган эмас, бизни нотўғри тушунишди, марҳамат, ўзингизга маъқул нашрларни ўқинглар, тарғиб қилинглар, баҳс-мунозараларга қўшилинглар, мақола ёзинглар, яхши ишларингизни кўрсатинглар, обуна тарғиботчиларини жазоламанглар, аксинча, рағбатлантиринглар”, дейишини кутгандик. Бироқ, ҳеч ким индамади. Хайриятки, давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ташкил этилган тантанали маросимдаги нутқида “Афсуски, биз кейинги йилларда «мажбурий обуна» баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар”, деб вазиятга ниҳоятда холис ва ҳаққоний баҳо берди.

Устоз Эркин Воҳидовнинг бир гаплари ёдимга тушади. Вилоятлардан бирида ҳунармандларнинг кўргазмаси бўлаётган экан. Раҳбарлардан бири Эркин акага: “Устоз, одамларга қўйиб берсангиз нима ишлар қилишмайди-я, оддий ҳунарманд йигит яратган идиш чинакам санъат асари-я”, деган экан, шоир: “Бир қўйиб бермайсизми”, дебди.

Якуний сўзим шуки, биз бугун шиддат билан ўзгараётган дунёда, янгиланаётган Ўзбекистонда, давлатимиз раҳбарининг инсоний қиёфа касб этган янги халқчил сиёсати шароитида яшамоқдамиз. Оммавий ахборот воситаларининг бугунги эркинлиги бундан тўрт-беш йил аввал ҳатто хаёлимизга ҳам келмаган. Буни тан олайлик. Аммо ҳаёт тинимсиз ўзгариб, денгиз тўлқинидай мавжланиб бормоқда. Фаоллигимиз, ижодимиз, журъатимиз шунга мос бўлсин.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

**Эълонлар**

*Ижтимоий эълон*

# Аҳолини рўйхатга олиш қай тарзда ўтказилади?

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, республикамизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.**

Аҳолини рўйхатга олиш – бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг кўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот ва маълумот манбаи ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш уч босқични ўз ичига олади. Биринчиси – тайёргарлик босқичи. Бу уч йилга яқин вақт давом этади.

Тайёргарлик жараёнидаги энг муҳим масала, аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида фаол иштирок этиши бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, реклама роликлари, логотип ва шиорлар ишлаб чиқиш ҳамда аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатлар, жумладан, рўйхатга олиш варақалари, рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бошқа шу каби бир қатор тадбирлар амалга оширилади.

Иккинчиси – асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва рўйхатга олиш материаллари топширилади. Мазкур жараён ўн кундан олтмиш кунгача давом этади.

Мамлакатимизда 2022 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири анъанавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан ҳудудларда уйма-уй юрган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, қоғоз шаклидаги рўйхатга олиш варақаларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, интернет тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш имконияти ҳам яратилади, яъни хоҳловчилар ўз хонадонларидан ёки масофадан туриб, махсус дастур орқали саволномаларни тўлдирган ҳолда рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Учинчи босқичда аҳоли тўғрисида тўпланган маълумотлар кодлаштирилиб, маълумотлар базасига киритиб таҳлил қилингандан кейин, натижалар расман эълон қилинади. Рўйхатга олиш жараёнида тўпланадиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимига киритилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқаролар ўзларининг келажаги учун аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида фаол равишда иштирок этишлари лозим бўлади.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизмати**


“OLTIN” масъулияти чекланган жамиятига тегишли № 001260 серия рақамли 234-Р сонли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей томонидан 2019 йилда Худайназаров Баходир Урал ўғли номига берилган L № 373610 (рўйхат рақами 233) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри Олмазор тумани тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Эргашева (Исакова) Гулноза Абдурашид қизи номига берилган К № 2257164 (рўйхат рақами 16590) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бунёдкорлик

# Шод кўнгиллар, обод манзиллар











Шунингдек, маданият саройи ёнида янгидан бунёд этилган 1 минг 500 ўринга мўлжалланган ёзги амфитеатр, сайилгоҳ ва Хотира майдони туман кўркига кўрк бўлиб тушди.

Тадбирда вилоят ҳокими Рустам Холматов ҳамда тегишли вазирлик ва идора раҳбарлари иштирок этди.

* * *

Туманнинг Чоштепа қишлоғи ҳудудида ҳам яна бир замонавий бино – “Excellent food” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “MIRANDI” мажмуаси иш бошлади.

Тўрт қаватли замонавий мажмуада оилавий ресторан, чойхона, қандолат цехи, фотостудия ва миллий таомлар ошхонаси фаолият юритади. Ҳозирча бу ерда 50 та иш ўрни яратилди.

– Қисқа муддатда барпо этилган мажмуамизда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кутиб олиш учун барча қулайликлар яратилган, – дейди масъулияти чекланган жамият директори ўринбосари Акмал Тўлаганов. – Бу ерда меҳмонлар миллий ва европа таомларидан татиб кўриб, маданий ҳордиқ чиқарадилар.

*Мансур ҲИММАТОВ ва Аброр ЭСОНОВ*
*/Тошкент ҳақиқати/*
*олган суратлар*

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



## Бизга ёзадилар

**...1955 йилнинг ёз кунларидан бирида чўмилиш ниятида Чирчиқ дарёсига кетаётган эдим. Дарёга катта ариқ ёқалаб, ёлғизоёқ йўлдан борилади. Иккинчи томони эса узун чуқурлик эди. Олдимда бир қария гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб борарди. Бир маҳал мункиб чуқурга юмалаб кетса бўладими. Дарҳол кетидан ўзимни пастга отдим. Қария мук тушканича қимир этмай ётар, юз-кўзлари шилиниб кетган, зўрға нафас оларди.**

Бир амаллаб турғазишга уриндим. Юзидан қон оқар, кийимлари ҳам қонга беланганди. Белидаги белбоғини ечиб, юз-кўзларини артдим. Бор кучим билан отахонни юқорига судрай бошладим ва чуқурдан олиб чиқдим.

Аксига олиб, яқин орада ҳеч ким кўринмасди. Отахоннинг уйи Чиноз бозори яқинида экан. Қария менга суяниб юришга ҳаракат қилар, унинг бир қўлини елкамдан ошириб олгандим. Қора терга ботиб кетдим. Ниҳоят, отахон бир эшикка ишора қилди. Шарпамиз сезилди шекилли, ичкаридан бир аёл чиқиб: “Вой, сизга нима бўлди?”, деганича югуриб келди ва иккимиз отахонни хонасига олиб кириб ётқиздик. Аёлга бўлган воқеани айтиб бердим.

## ҚАЙТАР ДУНЁ

Кетмоқчи бўлиб турсам, отахон қўлимдан ушлаб: “Кимнинг ўғлисан, болам?” деб базўр сўради. “Мўмин тоғанинг ўғлиман”, дедим (тоға сўзини қўшиб айтишимга сабаб қишлоғимизда Мўмин исмлилар уч нафар эди. Бири шоп мўйловли бўлгани учун Мўмин Пётр, иккинчиси қорачадан келгани учун Мўмин қора дейишарди, отамни улардан фарқлаш учун исмларига “тоға” сўзини қўшиб айтишарди). Отахон: “Барака топ, болам, яхши одамнинг фарзанди экансан”, дея қайта-қайта дуо қилдилар.

Шу воқеадан чамаси бир ҳафта ўтгач, отам масжиддан жума намозини ўқиб келдилар-да: “Балли, ўғлим”, дедилар. Унча-мунчага мақтамайдиган қаттиққўл отамдан бундай гапни эшитиб, очиғи, ҳайрон бўлдим.

– Ўғлим, сен катта савоб иш қилибсан, – дея бир оздан сўнг гап бошладилар отам. – Сиддиқ қорининг ҳаётини сақлаб қолибсан. У киши сендан жуда миннатдор. Бугун жума намозида Сиддиқ қори жамоадан сенга дуо олиб берди, масжид имоми сени мақтади. Эшитиб бошим осмонга етди.

Шундай дея, ўйга толдиларда бир оздан сўнг: “Қайтар дунё деганлари шу эканда”, дедилар. Ҳайрон бўлиб турганимни кўриб, анча йил аввал бўлган воқеани сўзлаб бердилар:

– Ўшанда сен бир яшар гўдак эдинг. Кутилмаганда касалликка чалиниб, озиб-тўзиб кетдинг, ҳатто, йиғлашга ҳам ҳолинг қолмади. Чиноздаги дўхтирлар дардингга шифо топишолмагач, Тошкентга олиб бордик. Афсуски, уларнинг ҳам муолажалари, берган дорилари кор қилмади. Охири, “Уйга олиб кетаверинг, қўлимиздан келганини қилдик”, дейишди. Ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Фақат: “Аллоҳим, боламни дардига шифо бер, шу гўдакни ўзинг асрагин”, дея кечаю кундуз илтижо қиламан.

Пойтахтдан зил-замбил қайғуда қайтаётганимизда, ногаҳон йўлда шу Сиддиқ қорини учратиб қолдим. Унинг оз-моз табиблик ҳам қилишидан хабарим бор эди. Унга бўлган ишларни айтиб бердим. Гапларимни диққат билан тинглагач, сени қўлига олдида: “Болани қийнаб қўйибсизларку, ҳозироқ уйга борамиз”, дея бизларни уйига бошлади. Сени яхшилаб кўриб бўлгач, ўзи тайёрлаган дoридан берди-да: “Ҳар соатда лабига суртиб турасизлар”, деб тайинлади.

Кўнглимда қандайдир умид уйғонди. Худонинг мўъжизасини қараки, сен эртаси куниданоқ аста-секин тамшана бошладинг. Сув берсак, ичдинг, иккинчи куни эса эма бошладинг.

Тўртинчи куни Сиддиқ қорининг ўзи келиб кўрди-да: “Муолажани давом эттиринглар, Худо хоҳласа бутунлай тузалиб кетади”, деди...

Отамнинг ҳикоясидан билдимки, мен ёрдам қилган одам, бир вақтлар мени ўлимдан сақлаб қолган экан...

Ҳозир 85 ёшдаман. Ҳар гал раҳматли отамнинг ўша ҳикоясини эслаганимда, ҳар қандай хайрли амал, яхшилик беиз кетмаслигига, кун келиб қайтишига амин бўламан...

**Содиқ МЎМИНОВ,**
**тарих фанлари номзоди**



## СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Турсуной энг зўри

**Пойтахтимизда ташкил этилган бокс бўйича катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида барча вазн тоифаларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.**



Хусусан, мусобақанинг аёллар ўртасидаги баҳсларида (51 кг.) иштирок этган вилоятдошимиз Турсуной Раҳимова ҳал қилувчи финал жангида Феруза Казаковани мағлуб этиб, чемпион бўлди. Шунингдек, чемпионатнинг “Энг зўр боксчиси” номинацияси ҳам унга насиб қилди.

### Велоспортчимиз Италияга кетди

**Хабарингиз бор, футбол бўйича миллий терма жамоамиз ҳужумчиси Элдор Шомуродов Италия А сериясига кўчиб ўтганди.**



Унинг ортидан яна бир истеъдодли спортчимиз, велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Беҳзодбек Раҳимбоев ҳам Апеннин ярим оролига йўл оладиган бўлди. Сўнгги йилларда Беҳзодбекнинг иқтидори кўплаб хорижий клублар диққатини ўзига тортиб келаётган эди. Якунда Италиянинг машҳур “Team Viris Vigevano” клуби ҳамюртимиз билан шартнома имзолади. Унга кўра, юртдошимиз 2021 йилдан бошлаб, халқаро мусобақаларда ушбу жамоа шарафини ҳимоя қилади. Итальян клуби ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали Б. Раҳимбоевни жамоа вакили сифатида расман таништирди.

### Юбилей учрашуви

**"Барселона" форварди Лионель Месси ЕЧЛ 3-тури доирасидаги "Динамо" (Киев)га қарши ўйинни асосий таркибда бошлади ва ҳакамнинг якуний ҳуштаги чалингунига қадар ўйнади.**



Бу Месси учун УЕФА ҳомийлигида ўтадиган халқаро мусобақалардаги 150-ўйин бўлди. У бу борада "Ливерпул"нинг собиқ футболчиси Жейми Каррагерга етиб олди ва 13-поғонага жойлашди.

Маълумот учун, Еврокубокларда энг кўп ўйин ўтказган футболчи испаниялик Икер Касильяс ҳисобланади. Жорий йилда фаолиятини якунлаган футболчи ушбу мусобақаларда 188 бор майдонга чиққан.

Месси ЕЧЛда 146 ўйин ўтказган ва 4 бор Европа Суперкубогида майдонга тушган. Айни пайтда аргентиналик чарм тўп устасининг ҳисобида бундай ўйинларда урилган 121 та гол бор. Ундан фақат Криштиану Роналду олдинда – 133 гол.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди**

Қадамлар ҳикмати

# “САЛОМАТЛИК БЕКАТИ”ГА пиёда борилади

**Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда дунё миқёсида чекишдан 5 миллиондан ортиқ инсон вафот этган, камҳаракатлик эса бундан ҳам кўп одамнинг ўлимига сабаб бўлган.**








Дарҳақиқат XXI асрга келиб техника шу даражада ривожландики, бу инсонларга қулайлик яратиш билан бирга, уларни дангаса қилиб қўйди. Натижада, юрак қон-томир, семизлик, қандли диабет каби касалликлар сони ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, инсон танасини кўп дардлардан асровчи энг самарали қалқон бу жисмоний ҳаракат ва пиёда юриш экан. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳафта давомида 2-2,5 соат пиёда юрган инсонларда ўлим хавфи қарийб 30 фоизга камаяр экан.

Мамлакатимизда ҳам соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни кенг тарғиб қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, энг кўп ҳаракатда бўлган фуқароларни моддий рағбатлантириш кўзда тутилган. Яъни, Ўзбекистон ҳудудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан; ҳар ойда ҳар бир туман (шаҳар) бўйича энг кўп юрган шахсга 300 минг сўмдан, ҳар бир ҳудуд бўйича энг кўп юрган шахсга 500 минг сўм, республика бўйича энг кўп юрган шахсга 1 млн. сўм ўтказилади. Шунингдек, фармонга кўра, жорий йилнинг 15 ноябрига қадар республикамизнинг барча ҳудудларида “саломатлик йўлаклари” ташкил этилиши режалаштирилган.

Вилоятимизда ҳам ушбу лойиҳа бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Чирчиқ, Нурафшон шаҳарлари ҳамда Бўстонлиқ тумани жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари томонидан “Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам” шиори остида ўтказилган марафонларда 7дан 70 ёшгача бўлган аҳоли қамраб олинди.

– Сўнгги пайтларда қанд касали безовта қила бошлади, – дейди нурафшонлик 72 ёшли Очил ота Истамов. – Шифокор муолажалардан ташқари, парҳез ва ҳар куни икки маҳал пиёда сайр қилишни маслаҳат берди. Унинг тавсиясига амал қилиб, ҳар куни эрталаб ва кечки пайт пиёда сайр қилаяпман. Ҳозир аҳволим анча яхши.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, 70 кг. вазнга эга киши ҳар куни 1-2 соат пиёда юриш давомида соатига деярли 250 ккал. сарфлайди. Япония ва Корея мамлакатлари аҳолиси пиёда юриш ва кундалик жисмоний машқлар орқали узоқ умр кўришларини бутун дунёга исботлашган.

Пиёда юриб, танамиздаги турли дардлардан фориғ бўлиш мумкинлиги ҳақида бундан бир неча асрлар олдин яшаган Гиппократ шундай деган: “Юриш – инсон учун энг яхши даводир.”

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

*Чоршанба табассуми*



## Шўртик



Ҳар қандай янгиликнинг кириб келиши осон эмас-да. У каттами-кичик қурбонлик талаб этади. Мана, масалан, оддийгина шўртик – калта шимнинг қишлоғимизга кириб келиши учун Абдураҳмон ака бутун бошли битта шимини қурбон қилди.

Хуллас, Абдураҳмон акага шимнинг бели тўғри келдию, аммо бўйи тўрт энлик узунлик қилди. Хотинига бу ҳақда арз-ҳол қилди. Хотиннинг ҳам энди шимдан бошқа ташвиши йўқми? Икки кунда бир кимдир кўпайишади ёки келин тушириб, қиз чиқаради. Ака ҳам хотини қатламани ўраб, дастурхонни бошига қўйганда айтди-да, арзини.

– Қўйиб кетаверинг, ҳали келиб қирқиб, буклаб қўярман. Бўлмаса, ҳозир қизингиз мактабдан келади, ўша тўғрилаб берар, – деб кўчага юрди.

– Шуни тўрт энлик қирқиб, буклаб бергин, жон қизим, – Абдураҳмон ака мактабдан келган қизига илтимос қилди.

– Вой, дадажон, пахтага чиқишимиз керак, дугоналарим кўчада кутиб туришибди, – деди қизи шимга қиё ҳам боқмай. – Келинойим уйдалар-ку, беринг, қирқиб, буклаб берадилар.

Акамиз юракдан чиқариб «уфф!» дея, этак кўтариб кўчага юрган қизининг орқасидан қараб қолди. Шу аснода қўшни уйдан келини чиқиб келди.

– Ҳа, дадажон, тинчликми? – деб сўради.

– Шу шимни тўрт энлик қирқиб, буклаб берсангиз, – деди Абдураҳмон ака кўнгли сал ёришиб.

– Бўпти, менга беринг! – деб келин шимга қўлини чўзди.

Аммо шу пайт ичкаридан чақалоқнинг йиғлаган овози эшитилди. Келин чопганича уйига кириб кетди. Шим аканинг қўлида қолди. У шимни зарда билан сўрига отганча, тўйга равона бўлди.

Абдураҳмон ака жўнаб кетгач, келини шимни тўрт энли қирқиб, икки энли буклаб, жойига қўйибди.

Икки соат ўтиб хотини йўқландидан келиб, дадаси шимимни тўғрилаб бергин, деганди дея тўрт энли кесиб, икки энли буклаб, маҳоратини кўрсатибди. Камига пахтадан қайтган қизи ҳам…

Эртасига Абдураҳмон ака қишлоғимиз эркаклари ичида биринчи бўлиб шўртик – калта шимда кўчада пайдо бўлди.

**Саид АНВАР**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
*Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Аллома АЗИЗОВА**
Навбатчи **Равшан БАЙЖАКОВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-1143. 4 367 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz

ISSN 2010-9318. *Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00* 1 2 3 4 5 6